

САМИМИЯТИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН ОЛИМ

Сунатулла Сойилов,
ЖДПИ ўзбек тили ва адабиёти факультети
декани, филология фанлари номзоди

Дунёда яхши инсонлар, яхши устозлар кўп деймизу, нимагадур уларнинг яхшилигини кўпам кўз-кўз қилавермаймиз. Назаримда, ҳозирда мана шу, ўзбек халқи истиқболи ва маърифати йўлида катта ишларга кўл урган, ўзбек архившунослигининг махсус илмий йўналишига асос солган олим, Республика маънавият марказининг тарғиботчиси, Халқаро Музейлар ташкилоти “ИКОМ” аъзоси, ЎзРФА музейларини мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси, “Адабиёт кўзгуси” илмий тўпламининг бош муҳаррири, “Мозийдан садо”, “Сино” журналлари таҳрир хайъати Шарқшунослик университетининг “Шарқшунослик”, ЎзРФА Шарқшунослик институтининг “Мерос”, Канада давлатининг International journal “Euro-American Scientific Cooperation” журналлари таҳририяти аъзоси ва бир неча илмий кенгашлар аъзоси бўлган, Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” ордени соҳиби, Халқаро Бабтин мукофоти (Қувайт Давлати) ва Бобур номидаги Халқаро мукофот лауреати, филология фанлари доктори, профессор Ҳасанов Саидбек Рустамович таваллудининг 75 йиллиги ўтказиладиган хотиралаш, эъозлаш, эҳтиромлаш учун ташкил этилган китобда, ул улуғ зот, Устозим ҳақида бор ҳақиқатни айтишни айни пайти.

Юқорида устозимиз, Ҳасанов Саидбек Рустамович ҳақида, Бобур ибораси билан айтганда “кўп ва хўб” айтилди. Лекин ўйламышки, ҳали айтилмаган, айтилиши кўп бўлган таърифу таҳсинлар бисёр кўп. Зеро инсонни кимлигини уни ўзи йўғлигида эътироф этилиши уни айнан кимлигини, иккинчи ҳаёти давом этаётганини кўрсатади. Ўйламышки, бундай дейишга тўлиқ ҳақлимиз.

Халқимизда “Устоз отангдек улуғ” деган ҳикматли сўз бор. Ривоят қилишларича, бир куни шогирдлари Сукротдан буни сабабабини сўрашганда у шундай жавоб қилган экан: “Отам мени худонинг иродаси ила ерга тушишимга сабаб бўлди, устозим эса менга тинимсиз илм бериб, ердан осмонга кўтарилишимга сабаб бўлди”. Зеро, Ҳасанов Саидбек Рустамович ҳам кўплаб изланувчи олимларни илм сарҳадларига олиб кирган, раҳбарлик қилиб, олимлик рутбасига кўтарилишига сабабчи бўлган.

Устозимизнинг энг кўзга кўринган, ҳурматга лойиқ томони, кенг оммага, хусусан шогирдларга нисбатан самимийлиги ва меҳрибонлиги бўлиб, шу хислати барчани мафтун этарди. Бир қарашда виқорли, аммо ҳеч қачон ўзгаларга товушини кўтармайдиган, оққўнгил, қўлидан келгунча барчага тўғри маслаҳати, беғараз ёрдамани аямайдиган инсон эканлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Баъзи инсонлар борки, улар фақат олим, баъзилари эса олим даражасига кўтарилмаган бўлса-да, чин инсон. Шу ўринда, Ҳасанов Саидбек Рустамовичга, нисбатан ҳам олим, ҳам чин инсон даражасини бериш мумкинлиги таҳсинга сазовор.

Мен Устозга шогирд тушишдан анча олдин, ҳамкасбларим профессор О.Жўраев ва филология фанлари номзоди, бир вақтлар улар билан музейда ишлаган Аббос Турсунқулов ва шогирди филология фанлари номзоди, доцент Нодира Соатовалардан жуда илиқ сўзлар эшитганимда, кўнглимда бироз шубҳа, муболаға қилишаётган бўлса керак деган ўй бор эди. Чунки катта бир ташкилот раҳбари, йирик олим, улар айтганчалик беғубор, самимий, хокисор бўлиши менга қандайдир эриш туюлган, шу боис улар билан учрашиш ва бунга ўзим шоҳид бўлиш истагини туйган эдим.

Мендаги ўзгаришни сезган Аббос Турсунқулов улар билан таништиргани _____йил Устозни олдиға олиб борди. Улар билан узоқ суҳбат курдик ва шунда мен ҳамкасбларим домла ҳақида бор ҳақиқатни айтишганини, ҳеч қандай муболаға қилмаганликларига амин бўлдим. Ва шундай мукамал “олимлиги инсонийликдан, инсонийлиги олимликдан” устун бўлган Устозга шогирд тушиш бахтиға муяссар бўлдим.

Форс тилини яхши билишим, матншунослик соҳасида илм қилишимға сабаб бўлди. Собир Сайқалийнинг “Қиссаи Сайқалий” асари ва унинг қиёсий–текстологик тадқиқи устида изланишлар олиб борар эканман, улар билан яқиндан ҳамфикр бўлиб бордим, керакли маслаҳатларни олдим. Маълумки, матншунос, манбашунос олимлар яхши билишадики, матн манба билан ишлаш анча оғир жараён бўлиб, сабр тоқат билан узоқ синчиклаб изланишлар олиб боришни талаб қилади. Мен илмда шундай сабр қоанатли бўлишни Устозимдан ўргандим. У кишини яхши билган инсонлар бу фикримға тўлиқ қўшилишади деб ўйлайман. Чунки улар йиллар давомида музейға барча ходимлардан эрта келиб, энг кеч кетадиган, ҳаттоки тушлик вақтини ҳам қизғаниб, музейда таомланадиган, мукка тушиб олиб қўлзма устида тинимсиз изланишлар олиб боришдан завқланадиган, ўз ишини устаси эдилар.

Устоз бугун орамизда йўқлар, лекин уларни яхши амаллари, эзгу ишлари, илм фанға бўлган муҳаббатлари ҳар биримизға ибрат, намуна. Устозни яхши аъмоллари йиллар ўтсада ёш олимларға маёқ каби яшаверади. Охиратингиз обод бўлсин. Инна лиллахи ва Инна илахи ражиун!